

ТАЛАБА - ЁШЛАРНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Хамроев Самижон Салимович

Навоий давлат педагогика институти доценти,
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мазкур мақолада соғлом турмуши тарзи, соғлом турмуши маданияти тенденциялари ҳақида ёритилган. Соғлом турмуши маданиятининг асосий бош моҳияти инсоннинг жисмоний ва руҳий эмоционал ҳолати, ижтимоий-иктисодий ва маданиймаший ютукларга эришишидир. Соғлом турмуши тарзи инсоннинг у ёки бу даражада ижодий потенциалини жорий этишига имкон яратувчи, ҳаётий фаолиятнинг маданий, турмушга оид ва ишлаб чиқарши усулларининг юзага келишидир.

Калит сўзи: соғлом турмуши тарзи, маданият, соғломлик тушунчаси, жисмоний саломатлигига, тиббий соғломлик, маънавий соғломлик, руҳий соғломлик.

ТЕНДЕНЦИИ ФОРМИРОВАНИЯ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ МОЛОДЕЖИ

Хамроев Самиджон Салимович

доцент Навоийского государственного педагогического института,
доктор философии в области педагогических наук (PhD)

Аннотация: В данной статье описаны тенденции здорового образа жизни и культуры здорового образа жизни. Главной сущностью культуры здорового образа жизни является физическое и психическое эмоциональное состояние человека, достижение социально-экономических и культурно-бытовых достижений. Здоровый образ жизни – это появление культурно-бытовых и производственных способов жизнедеятельности, позволяющих вывести творческий потенциал человека на тот или иной уровень.

Ключевые слова: здоровый образ жизни, культура, концепция здоровья, физическое здоровье, медицинское здоровье, духовное здоровье, психическое здоровье.

TRENDS IN THE FORMATION OF A HEALTHY LIFESTYLE FOR YOUTH

Khamroev Samijon Salimovich

Associate Professor of Navoi State Pedagogical Institute,
Doctor of Philosophy in Educational Sciences (PhD)

Annotation: This article describes the trends of a healthy lifestyle and culture of a healthy lifestyle. The main essence of the culture of a healthy lifestyle is the physical and mental emotional state of a person, the achievement of socio-economic and cultural achievements. A healthy lifestyle is the emergence of cultural, everyday and industrial ways of life, allowing to bring the creative potential of a person to one level or another.

Key words: healthy lifestyle, culture, health concept, physical health, medical health, spiritual health, mental health.

Инсоннинг соғлом турмуши маданияти шахснинг жамиятдаги ижтимоийлашуви натижасидир. Зеро, жамиятнинг соғломлиги ҳар бир инсоннинг юқори даражада соғлом турмуши маданиятига эга бўлишини тақозо этади. Шунга кўра, агар жамиятда мавжуд барча институтлар томонидан инсон маънавий ва жисмоний саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган шарт-шароит яратилса, ўша жамиятда яшаётган ҳар бир инсоннинг соғлом турмуши маданияти юқори даражага кўтарилади, дейиш мумкин. Ёшлар соғлом турмуши маданиятини ривожлантириш тизими - бу узлуксиз таълим тизими, спорт-соғломлаштириш объектлари ва ижтимоий институтлар хисобланниб, уларда амалга ошириладиган таълим-тарбиявий ишларнинг узвий алоқадорлиги ва узлуксизлигини таъминлаш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Социолог олимларнинг фикрига кўра, турмуши тарзи муайян тарихий ижтимоий муносабатларга мос келувчи инсон ҳаёт фаолиятининг индивидуал ёки жамоавий тури. Жамият ҳаётида шахс турли соҳаларга оид фикрларига эга бўлади. Турмуши тарзи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, табиий ва бошқа шароитларга боғлиқ ҳолда шаклланади ҳамда жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти унсурларидан ташкил топган яхлит тузилма сифатида

намоён бўлади. Турмуш тарзи муайян ижтимоий қурилмани тавсифлайди ва бу жамиятда индивид қандай яшаётганини, у инсон ўз «мен»и ривожланиши ва такомиллашиши учун нима килаётганини, унинг эҳтиёжлари, манфаатлари ва ижодий имкониятлари амалга ошаётганини кўрсатади. Турмуш тарзи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, мафкура ва маданият, атроф-муҳитнинг инсонга таъсири сифатида шакланади ҳамда жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол таъсир этади. Биргаликдаги фаолият усууллари, ижтимоий жамоавий 27 муносабатлар ва кишилар ўртасидаги алоқа, мулоқот ва хулқ-атворларнинг устувор шакли, мулоқотнинг мақсад ва вазифалари, фаолиятнинг манфаатлари турмуш тарзининг характеристерини белгилайди.

«Соғломлик» тушунчаси соғлик, саломатлик маъносида бўлиб, ақлнинг соғломлиги, фикрнинг соғломлигига нисбатан ҳам кенг қўлланилади. Бу тушунчалар инсоннинг турмуш тарзи, унинг маънавий, мафкуравий, психологик, эмоционал, тиббий ва руҳий ҳолати билан боғлиқ ҳолда қўлланила бошланди ва «соғлом турмуш тарзи» тушунчаси пайдо бўлди. «Турмуш тарзи» ва «саломатлик» тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги «соғлом турмуш тарзи» тушунчасини келтириб чиқаради. Тиббиёт энциклопедиясида келтирилган таърифга кўра: турмуш тарзи – кишилар ҳаётий фаолиятининг аниқ тури ҳақидаги тасаввурларни мувофиқлаштирувчи муҳим ижтимоий категориялардан бири.

Турмуш тарзи маълум жамиятнинг тавсифи ҳамда унда кечеётган кўплаб ижтимоий жараёнлар моҳиятини ёритиб беради. Турмуш тарзи ва ахоли саломатлигини саклаш ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжуд. Шу боис, «соғлом турмуш тарзи» тушунчаси турмуш тарзи ва ахоли саломатлигини саклашга йўналтирилган фаолият ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг мужассам ифодаси сифатида қўлланилади.

О.Мусурмонованинг фикрича, соғлом турмуш тарзи шахс маънавий маданиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Олим айни муаммони қадимги ёзма манбалар, шу жумладан Авесто, Куръон ва Ҳадисларда, қадимги Урта аср мутафаккирлари мероси ва ҳалқ педагогикасида олға сурилган жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш ғояси билан чамбарчас боғлаб тадқиқ этади.

Д.Шарипованинг қарашларига кўра, соғлом турмуш тарзининг тиббий-гигиеник жиҳатлари, соғлом турмуш кечиришда овқатланиш рационига амал қилиш, жисмоний тарбия ва спорт орқали уларни соғломлаштириш муҳим қирралари ҳисобланади. Ёшлар соғлом турмуш тарзи ижтимоий-ҳуқуқий хатар гуруҳи болалари, болалар колонияларида тарбияланадиган болаларнинг соғлом тафаккурини ривожлантириш ва ижтимоий фаолигини оширишга эришишнинг муҳим омили эканлигини илмий-назарий жиҳатдан асослади.

А.Сайдов томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари ва илмий хulosалар шуни кўрсатди, агар соғлом турмуш тарзини 31 ривожлантириш барча даволаш, касалликларнинг олдини олиш, эпидемияга қарши қурашиби тиббиёт муассасалар ва жамоатчилик уюшмаларининг муҳим вазифаси бўлиб келган бўлса, бугунги кунда ўшлар соғлом турмуш тарзини ривожлантириш таълим муассасалари, давлат ташкилотлари, жамоатчилик бирлашмалари, тиббиёт муассасалари ва ахолининг ҳамкорликдаги фаолиятини талаб қиласди.

Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги «Соғлом турмуш тарзи инсон саломатлигини саклаш ва яхшилашга қаратилган ҳаётий фаолият усулидир», -деб таъкидласалар, баъзилари «Соғлом турмуш тарзи – касалликларнинг олдини олишдан иборат», - деб ҳисоблайдилар. Назаримизда соғлом турмуш тарзининг асосини қўйидагилар ташкил қиласди: моддий шароитнинг яхшилиги, яшаш шароити, меҳнат ва дам олишда рационал тартибга амал қилиш, доимий меъёрга амал қилган ҳолда 49 овқатланиш, жисмоний юкламанинг етарли даражада бўлиши ва зарурий кўнишка, шахсий гигиена қоидалари, алкоголь ичимликлар истеъмол қилиш ва чекиш каби зарарли одатлардан ҳоли бўлиш, стресс ҳолатларидан қочиш ёки стресс ҳолатларига тушиб қолишининг олдини олиш, соғлом дунёқарааш асосида ҳаёт кечириш, ўз маънавий ва жисмоний саломатлигига масъуллик билан муносабатда бўлиш, маънавий соғломлик, замонавий тиббиёт имкониятларидан аниқ мақсадга йўналтирилган ва онгли ҳолатда фойдаланиш кабилар.

Соғлом турмуш тарзи, соғлом турмуш маданияти тушунчасига қуйидагиларни таркибий қисм сифатида киритиш мумкин:

- теварак-атрофда бизни ўраб турган табиий-экологик обьектларга нисбатан эҳтиёткорона муносабат ва меҳр-муҳаббат тарбияси (ҳаво атмосфераси, сув ресурслари, ернинг унумдор катлами, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси);

- ҳалқ хўжалигининг турли соҳалари тараққиётида табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва ахолининг саломатлигини саклашнинг табиий-иклимий омилларини унумли

кўллаш.

Соғлом турмуш маданиятининг асосий бош моҳияти инсоннинг жисмоний ва руҳий эмоционал ҳолати, ижтимоий-иқтисодий ва маданиймаиший ютукларга эришиши, тиббий ва саломатлик профилактика принципларига амал қилиши билан белгиланади. Соғлом турмуш тарзи инсоннинг у ёки бу даражада ижодий потенциалини жорий этишига имкон яратувчи, хаётий фаолиятнинг маданий, турмушга оид ва ишлаб чиқариш усулларининг юзага келишидир.

Соғлом турмуш маданияти эса мана шу яратилган усул ва шарт-шароитлардан ўз саломатлигини муҳофаза қилиш ва узоқ умр кўриш максадида самарали ва ижодий фойдаланишдир. Соғлом турмуш тарзи соғлиқ ва саломатлик ҳақида ижтимоий, тарихий, шунингдек, унинг амалий ҳаётга интеграцияси ҳақидаги аниқ 50 тушунчадир. Соғлом турмуш маданияти эса мана шу билим ва малакаларни эгаллаган ҳолда уларга реал ҳаётда қатъий риоя этиб яшаш тартибидир.

Миллатимиз тарихий-ижтимоий қадриятлари тизимида ҳар вақт соғлом яшаш ва узоқ умр кўриш ақидалари мавжуд бўлган ва насл соғломлиги алоҳида эътибор билан қаралган. Насл соғломлиги тушунчаси эса, энг аввало, ёшлар саломатлиги масалаларида саъй-ҳаракат қилиш зарурлигини билдирган. Шу билан бирга, ўзбек миллати қадриятлари тизимида соғломлик тушунчаси доирасида нафақат тиббий ёки жисмоний саломатлик, балки руҳий, маънавий соғломлик асослари киритилган. Айниқса, инсон саломатлиги асосида маънавий саломатлик алоҳида таъкидланган.

Бугунги қунда ҳам соғломлик тушунчаси таркибий жиҳатдан ўзининг мураккаблиги ва серкирралигини ёрқин намоён этади. Унинг мураккаблиги таркибидаги ҳар бир бўлим, аслида яна бир неча ўз мазмунига эга бўлган 51 таркибий қисмларга бўлиниб кетишида кўринади. Масалан, ўзбек миллати қадриятлари тизимида азалдан мавжуд бўлган саломатлик ва соғломлик қадриятлари тиббий соғломлик, маънавий соғломлик, руҳий соғломлик кабилардан иборат бўлган бўлса, бугунги қунда уларнинг мазмуни такомиллашган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Узбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни (янги тахрири). 2015 йил 7 сентябрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори //Таълим тараққиёти. – Тошкент, 2004. № 5.

3. Баситханова И., Бакиева Г., Мусурмонова О., Шарипова Д., Жамолдинова О. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш – фуқаролик жамиятини барпо этиш омили/ Методик кўлланма. – Тошкент: Kvinta Print, 2011. - 200 б.

4. Жамолдинова О., Мусурмонова О. Ёшларда соғлом турмуш маданиятини шакллантиришда фанлараро алоқадорликдан фойдаланиш// Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2014. - № 6. - Б. 71-77.

5. Жамолдинова О., Мусурмонова А. Преемственность и непрерывность в формировании культуры здоровой жизни молодёжи. Образование как целевой ресурс в развитии личности: теория, методология, опыт: коллективная монография. – Стерлитамак: 2014. С. 156-168.

6. Сайдов А.Х. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик дамиятини ривожлантириш Концепцияси”ни амалга оширишда Жамоат фонди ва Парламент комиссияси фаолияти график ва статистик рақамларда. – Тошкент, ART FLEX, 2015. – 96 б.

7. Саломатлик дарслари. Бошланғич синф ўқитувчилари учун методик қўланма. – Тошкент: Polispektor, 2006. – 112 б.